

ХУКМ
Ўзбекистон Республикаси номидан

2024 йил сентябрь ойининг 26 куни Жиноят ишлари бўйича Миришкор туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, шу суднинг раиси А.Бойбиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Ачиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Миришкор туман прокурори катта ёрдамчиси А.Абдурахмонов, судланувчи Қ.Авозов ва унинг химоячиси Қарши шаҳар “Химоя сўзи” адвокатлар ҳайъати адвокати Э.Улугхонова ҳамда жабрланувчи М.Нийматовларнинг иштирокида, Авозов Қаҳрамон Бозоровичга нисбатан 1-1807-2401/102-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Авозов Қаҳрамон Бозорович (AvozoV Qahramon Bозorovich), 1960 йил 1 июнда Қашқадарё вилояти Қасби туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, турмуш ўртоғи билан ажрашган, 6 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, партия аъзоси эмас, депутат этиб сайланмаган, ёшга доир пенсияда, қандли диабет 2-тур касаллиги ташхиси билан “Д” ҳисобда туради, муқаддам:

1) Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2010 йил 5 апрелдаги ажримига кўра, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан тугатилган;

2) Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2013 йил 23 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 165-моддасининг 1-қисми, 168-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан шу Кодекснинг 45,59,61-моддаларини қўлланиб 1 йил муддатга ўқитувчилик фаолиятига ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 2013 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул



қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган;

3) Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2014 йил 8 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан шу Кодекс 59-моддасининг 8-қисми тартибида 1 йил муддатга ўқитувчилик фаолиятида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 25 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган;

4) Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2019 йил 13 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан шу Кодекснинг 57-моддаси қўлланиб 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 26 июндаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган, ЖКнинг 62-моддасига асосан тайинланган ахлоқ тузатиш иши жазосидан 1 йил 15 куни чегирилиб, ўташ учун 1 йил 11 ой 15 кун ахлоқ тузатиш иши жазоси қолдирилган, Жиноят ишлари бўйича Миришкор туман судининг 2020 йил 24 июлдаги ажрими билан ЖК 75-моддасининг 5-қисмига асосан ўталмай қолган 1 йил 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан озод қилинган;

5) Жиноят ишлари бўйича Бойсун туман судининг 2021 йил 4 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан шу Кодекснинг 57-моддаси қўлланиб базавий ҳисоблаш миқдорининг 55 баравари миқдорида, яъни 12.265.000 сўм жарима жазоси



тайинланган, Жиноят ишлари бўйича Миришкор тумани судининг 2021 йил 1 апрелдаги ажрими билан тўланмаган жарима жазоси ЖК 44-моддасининг 3-қисмига асосан 3 ой муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, жазони тўлиқ ўтаган, Миришкор тумани, “Чаманзор” маҳалла фуқаролар йиғини, Қурама қишлоғи, Маърифат кўчаси, 59-уйда яшайди, иш бўйича “Муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” тарзидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 20 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 139-моддаси 3-қисмининг “а, г” бандлари ва 140-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши мавжуд ҳужжатларни текшириб чиқиб, тарафларнинг музокара нутқлари ҳамда судланувчининг охириги сўзи эшитиб, далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Авозов Қахрамон Бозорович муқаддам судланганлигидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, қуйидаги ҳолатларда ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда шахсни оғир турдаги жиноятни содир қилганликда айблаб, била туриб, уни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиб, тухмат қилиш ҳамда ўз хизмат бурчини бажариш муносабати билан боғлиқ ҳолда шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан беодоблик билан таҳқирлаб, ҳақорат қилиш жиноятларини қасддан содир қилган.

Жумладан, у 2024 йил 27 май куни Фуқаролик ишлари бўйича Касби туманлараро судининг судьяси Нийматов Мансур Нурмаатович томонидан, у даъвогар бўлган Касби тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими 54-умумий ўрта таълим мактаби директорининг буйруғини бекор қилиш, ишга тиклаш, прогул учун иш ҳақи, моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризасини рад қилганидан жаҳли чиқиб, ундан норози бўлиб, 2024 йил 24 июнда Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси номига апелляция шикоятни билан мурожаат қилиб, унда “Олий тоифали порахўр” деб, уни бошқа шахслардан мулкрий манфаатдор бўлиб, ишни Касби тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими 54-умумий ўрта таълим мактабининг фойдасига ҳал қилиб бераётганлиги ҳақида ёзиб, судья М.Нийматовни таъмагирлик



йўли билан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда пора олганликда оғир жиноят содир қилганликда айблаб, унга нисбатан тухмат қилган.

Қ.Авозов ўзининг ушбу жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 139-моддаси 3-қисмининг “а, г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Шунингдек, Авозов Қаҳрамон Бозорович 2024 йил 27 май куни Фуқаролик ишлари бўйича Касби туманлараро судининг судьяси Нийматов Мансур Нурмаматович томонидан, у даъвогар бўлган Касби тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими 54-умумий ўрта таълим мактаби директорини буйруғини бекор қилиш, ишга тиклаш, прогул учун иш ҳақи, моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризасини рад қилганлигидан жаҳли чиқиб, ундан норози бўлиб, 2024 йил 24 июнда Қашқадарё вилоят суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси номига апелляция шикояти билан мурожаат қилиб, унда судья М.Нийматовни “касал аёлнинг касал болалари”, “лақма”, “наманганлик судья”, “ўз ишини билмайдиган чаласавод”, “тентакхонадан олиб тарбия қилинган тентакбачча” деб ёзиб, хизмат бурчини бажараётган судья М.Нийматовнинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, уни ҳақорат қилган.

Қ.Авозов ўзининг ушбу жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Судланувчи Қ.Авозов судда кўрсатувида, ўзига қўйилган айбловларга иқрорлик билдирмасдан, 2019 йилдан 2023 йил 27 декабрь кунига қадар Касби туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабида математика фани ўқитувчиси бўлиб ишлаб келганини, қандли диабетнинг 2-тури касаллиги борлиги сабабли доимий даволаниб туришини, 2023 йил 3 март куни даволаниш учун Бухоро вилоят шифохонасига бориб, кўриқдан ўтиб, қайтиб келиб, 2023 йил 25 майга қадар Миришкор туман марказий шифохонасига даволанганини, 2023 йил 26 май куни Касби туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабига ишга борганини, шунда мактаб директори Равшанова Холида унга “меҳнат таътилига чиқасиз, 2023 йил 1 июндан ариза ёзиб беринг” деб айтиб қолганини, унга 5 кунлик иш ҳақи ёзмаганини, 2023 йил 31 майда у ўз қўли билан директор Х.Равшанованинг номига жорий йил ҳисобидан меҳнат таътилига бериши ҳақида ариза ёзганини, шундан сўнг, 2023 йил июнь ойи бошланиши билан бошқа меҳнат таътилига чиққан ўқитувчиларга ойлик иш ҳақлари берилганини, унга эса иш ҳақи берилмаганлиги сабабли Касби тумани Адлия бўлимига бориб мурожаат қилганини, Касби тумани Адлия бўлими ходими унинг мурожаати бўйича Х.Равшановани чақириб, мен билан юзлаштиришиб, ўртадаги масаласини ҳал қилиб беришини сўраганини, шунда мактаб директори Х.Равшанова ундан аризасини қайтариб олишини айтиб, унга 48 кун муддатга меҳнат таътили берилганлиги ҳақидаги



буйруқни кўрсатганини, шунда у аризасини қайтариб олганини, 2023 йил июнь ойининг охирларида унинг пластик картасига 1 млн 100 минг сўм пул тушганини, аслида мактаб директори кўрсатиб ўтган 48 кунга меҳнат таътили ҳисобидан унга 4 млн 900 минг сўм берилиши керак бўлганини, шундан сўнг у мактабга бориб, директор Х.Равшановадан нимага унга кам пул берилганини сўраганини, шунда директор унга “сиз 4 ой давомида ишлаб, етти ой даволангансиз, тўғри тушунинг, шунинг ҳисобига кам чиққан” деб айтганини, ҳамма ўқитувчилар жорий йилнинг 28 июль куни ишга чиқишганида директор Х.Равшанова унга “сизга иш бера олмайман, бориб вилоятдаги шифохоналардан “ишга яроқли” деган маълумотнома олиб келсангиз, кейин сизга мактабда ишлашингиз бўйича буйруқ чиқариб бераман” деб, огоҳлантириш хатига имзо қўйдириб олганини, шундан сўнг у Қарши шаҳрига бориб, марказий шифохонадаги ишловчи врачларга учрашганини, улар унга “бизга хат билан келишингиз керак, бу ҳолатда ўтказиш олмаймиз” деб айтишганини, у Касби туманига қайтиб келиб, 54-мактаб директори Х.Равшановага учрашганини, у унга “мудир айтган, сизни ишга қабул қила олмаймиз, сиз билан меҳнат шартномаси тугади, шу сабабли ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб беринг” деб айтганини, у эса унга ариза ёзиб бермаганини, у юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатлар юзасидан Туман прокуратураси ҳамда Адлия бўлимига мурожаат қилганлиги бўйича туман прокурорининг имзоси билан жавоб хати олганини, унда ишга тиклаш масаласида судга мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилганини, шундан сўнг 2024 йил 4 апрель Фуқаролик ишлар бўйича Касби туманлараро судига Касби туманидаги 54-мактабга ишлаган иш ҳақлари ундириш ва ишга тиклаш бўйича даъво ариза билан мурожаат қилганини, 2024 йил 9 апрель куни уни Фуқаролик ишлари бўйича Касби туманлараро судига чақиришганини, у судга бориб, ҳолат бўйича баён қилганини, директор Х.Равшанова ҳам ўзининг фикрини баён қилганини, суд “кейинга қолдирилди” деб, 2024 йил 16 апрель куни уни ва мактаб директорини судга яна чақиришганини, уни ишга бормаганлиги ҳақида баённомалар тузилган бўлганини, у бу ҳақида суд жараёнида билганини, 2024 йил 27 майда Фуқаролик ишлари бўйича Касби туманлараро судига у ва мактаб директори Х.Равшанова боришганини, суд томонидан уни ишга бормаганини, интизом қоидаларини мунтазам бузиб келаётганлигини ваз қилиб, унинг даъво аризасини рад қилганини, у Қашқадарё вилоят суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилганини, улар ҳам шикоятини рад қилишганини, у судья М.Нийматовни олдиндан танимаслигини, у билан ўрталарида ҳеч қандай низо бўлмаганини, у суд жараёнида судья М.Нийматовга бу ҳақида гапирмаганини, фақат мурожаатларида кўрсатиб ўтганини, мурожаатида М.Нийматовни “Олий тоифали порахўр, суд жараёнида судьянинг ўтиришини кўрган киши “Тентакхонадан келган тентакбачча” деган фикрга келади, тентакхонадан тарбияланган болага



ўхшайди суд жараёнида”, наманганлик судья, суднинг ишни кўришини кўриб, унинг чаласавод” деган хулоса келиб, уни “чаласавод” деб ёзганини, суд раисининг кўринишини “лақма” деб ёзганини, унинг порахўрлигини, ўзига ўхшаган порахўрлар тарафида эканини ҳамда “касал аёлнинг касал боласи” деб айтиб ўтганини, ҳар йили 2 мартаба руҳий касалхонада даволаниб келадиган Фарход Собирович жиннидан “мен қатнашмаган касаба уюшмаси мажлиси қонуний бўладими?” деб сўраганида жинни “йўқ” деб жавоб берганини, лекин бу касаба уюшмаси йиғилишини тўғри деб баҳолаб берганини, суд жараёнида у судьяни ҳақорат қилмаганини, у фақат ўзи билан олиб борган маълумотлари бўйича саволларга жавоб беришини айтиб, баланд овозда гапирганлиги ҳолати бўйича судья М.Нийматов унга “овозингни кўтарма, бўлмаса жарима қиламан” деб айтганини, шунда унга алам қилгани 30 та ҳолатдан бирортасини тингламаганини, суд мажлиси бор-йўғи 1 соатгина давом этганини, уни суд раиси М.Нийматов умуман тингламаганини ва саволларига жавоб бермаганини, у бу ҳолатни ўзига нисбатан ҳақорат деб ҳисоблаганини, шунда у ҳам судьяни ҳақорат қилганини, аризани дастлаб суднинг девонхона мудири Хуршид Мухторовга топшираётганини, ҳаётий тажрибаларига таяниб, “мени ҳақорат қилсангиз, мен ҳам ҳақорат қиламан, агар адолатли текширсангиз аризамни қолдираман” деб, уларни огоҳлантирганини, у эса “ҳақорат қилмаймиз” деб олиб қолганини баён қилиб, суддан ўзига оид иш юзасидан адолатли қарор қабул қилишни сўради.

Судда судланувчи Қ.Авозов ўз айбига иқрорлик билдирмаган бўлса-да, унинг айби қуйидаги далиллар билан тасдиқланади.

Жумладан, жабрланувчи Нийматов Мансур Нурмаматович суддаги кўрсатувида, 2023 йил декабрь ойидан буён Фуқаролик ишлари бўйича Касби туманлараро судининг судьяси лавозимида ишлаб келишини, даъвогар Авазов Қахрамон Бозоровичнинг жавобгар Касби тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими 54-умумий ўрта таълим мактабига нисбатан буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ишлаган ойлари учун иш ҳақи, моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича кўзгатишган 2-105-2402/1404-сонли фуқаролик ишини кўриб чиққанини, фуқаролик иши кўриб чиқиш натижаси бўйича 2024 йил 27 май куни даъвогар Қ.Авозовнинг даъво талаблари ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли рад қилиш ҳақидаги ҳал қарори қабул қилганини, шундан сўнг Қ.Авозов устидан унинг шаъни ва кадр-қимматимни қасдан камситувчи сўзлар билан тўлдирилган ҳақоратомуз сўзлардан фойдаланиб, Қашқадарё вилоят суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси номига апелляция шикоятни билан мурожаат қилганини, бундан ташқари у шикоятда уни “олий тоифали порахўр” деб, унга нисбатан оғир турдаги жиноятни қасдан содир қилганликда туҳмат қилганини, шунингдек, у шикоятда унга нисбатан



туҳмат қилиб, ҳақоратомуз сўзларни ишлатиб, уни ҳақорат қилганлигини, у уни кечирмаслигини баён қилиб, суддан судланувчи Қ.Авозовга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ Мусаев Сулаймонжон Эркин ўғли суддаги кўрсатувида, 2003 йил декабрь ойидан буён Фуқаролик ишлари бўйича Касби туманлараро судининг девонхона мудирини вазифасида ишлаб келишини, унинг хизмат вазифасига Фуқаролик ишлари бўйича Касби тумани судига келган аризалар, хат-хабарлар ва мурожаатларни ахборот тизимига қайд қилиб, тегишли ижрочиларга реестр орқали топшириш ва лавозим йўриқномасида белгиланган бошқа вазифалар қабиладан киришини, даъвогар Авазов Қахрамон Бозоровичнинг жавобгари Касби тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими 54-умумий ўрта таълим мактабига нисбатан буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ишлаган ойлари учун иш ҳақи, моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган 2-105-2402/1404-сонли фуқаролик ишини Фуқаролик ишлари бўйича Касби тумани судининг судьяси М.Нийматов томонидан кўриб чиқилганини, мазкур фуқаролик иши натижаси бўйича 2024 йил 27 май куни даъвогар Қ.Авозовнинг даъво талаблари ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли рад қилиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилганини, шундан сўнг Қ.Авозов судья М.Нийматовнинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситувчи сўзлар билан тўлдирилган ҳақоратомуз сўзлардан фойдаланиб, Қашқадарё вилоят судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси номига апелляция шикоятини билан мурожаат қилганини, у ушбу мурожаатни тегишли тартибда Фуқаролик ишлари бўйича Касби тумани судида қайддан ўтказганини, Қ.Авозов шикоятда М.Нийматовни “олий тоифали порахўр” деб туҳмат қилганини, шикоятни Қашқадарё вилояти суди судьялар малака ҳайъатига Қ.Авозовга нисбатан қонуний чора кўриш учун юборишганини баён қилди.

Судга оид лингвистик экспертизанинг 2024 йил 10 августдаги 22-сонли хулосасида, лингвистик материалида келтирилган “олий тоифали порахўр, касал аёлнинг касал боласи лақма, ўз ишини билмайдиган, чаласавод, тентакхонадан олиб тарбия қилинган тентакбачча, чала савод, порахўр” жумлалари олдиндан адовати бўлмаган ёки бўлганидан қатъий назар асоссиз равишда ишлатилганда шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, яъни ҳақорат қилиш, мансабдор шахсга нисбатан ишлатилганда давлат хизматчисини обрўсизлантириш маъноларини англатиши, “олган порангизни ҳалоллаш учун мени жаримага тортасизми?” Суд жараёнига қатнашаётганлар бу судьяни гўёки кар, кўр, соқов, ўз ишини билмайдиган чаласавод, олий тоифали порахўр, касал аёлнинг касал боласи, тентакхонадан олиб тарбия қилинган тентакбаччага ўхшатган бўлади” деган жумлалари аниқ манзилга йўналтирилганлиги, яъни М.Нийматовга нисбатан ишлатилган бўлиб,



нутқ эгаси ушбу жумлаларни ишлатиш учун, яъни нутқ учун қаратилган шахсни порахўр эканини, онасининг касал эканини, тентакхонадан олиб тарбия қилинганини, тентакбаччага ўхшашини асословчи далиллари бўлса шундаки нутқ қаратилган шахснинг сифати, характеристикаси келтирилган бўлиши ва бундай вазиятда уни оқибатсиз қолдириш мумкинлиги, аксинча бўлганида шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, яъни ҳақорат қилиш, тухмат маънолари мавжуд деган хулосага келиш мумкинлиги, “наманганлик судья, наманганча суд” жумлаларида судьянинг этник келиб чиқишига кўра маҳаллий аҳоли вакили эмас, бошқа ҳудуддан келганига ишора қилиш орқали маҳаллийчилик қилишга уриниш, киноя, пичинг маънолари англашилаётганлиги, “қизчаларингни ўзбекчасига ..., опа-снгилларингни арманчасига ..., хотинчангни французчасига ..., онангга кўкрагига ...” каби жумлалари жамоатда қарор топган хулқ-атвор қоидалари, ўзбек менталитети ва мулоқот маданиятига зид бўлиб, мазкур матнда шахснинг кадр-қимматини беодоблик билан қасддан, яъни ҳақорат қилиш маънолари мавжуд деган хулосага келиш учун асос бўлиши, мазкур сўзларни асосли, яъни нутқ қаратилган шахсларнинг сифати, характеристикаси ёки тухмат экани линвистик текширувда эмас, суриштирув органлари томонидан аниқланган далилларда ойдинлашиши қайд қилинган.

Бундан ташқари, судланувчи Қ.Авозовнинг айби жабрланувчининг аризаси, ўзининг Қашқадарё вилоят суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси номига ёзган аризаси ва апелляция шикоят, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси, шунингдек, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жинойт ишида тўпланган бошқа далиллар билан ҳам ўз исботини топади.

Суд судланувчи Қ.Авозовнинг айб квалификациясининг муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келди:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиши, ўз шаъни ва кадр-қиммати ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги;

60-моддасида, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 19 июндаги “Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида”ги 5-сонли қарорининг 8-бандида, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш деган уларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, хизмат тавсифномаларида баён этиш, кўпчилик олдида сўзлаганда, мансабдор шахслар номига ёзилган аризаларда ёки бошқа, шу каби



жумладан оғзаки бўлса ҳам бир неча шахсга ёхуд бир кишига хабар қилиш тушунилиши, ўзининг шаънига ҳақоратловчи маълумотлар айтилган, шунингдек туҳмат қилинган, ёлғон ахборотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотларни тарқатган шахсни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139, 140 ва 141³-моддаларига кўра, жиний жавобгарликка ёки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41 ва 202²-моддаларига кўра, маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи Қ.Авозовнинг ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда шахсни оғир турдаги жиноятни содир қилганликда айблаб, била туриб, уни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиб, туҳмат қилишда ифодаланган жиний ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 139-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан;

ўз хизмат бурчини бажариш муносабати билан боғлиқ ҳолда шахсининг шаъни ва кадр-қимматини қасддан беодоблик билан таҳқирлаб, ҳақорат қилишда ифодаланган жиний ҳаракати Жиноят кодекси 139-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасида, ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмаслиги, инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шартлиги, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкинлиги белгиланган.

Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги;

13-моддасида, қилмишнинг жинийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахсининг аҳолини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга эканлиги, яъни ушбу қонун кучга киргнуга қадар тегишли жиний қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан



жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, тадбиқ этилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

2-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Қ.Авозовга нисбатан жазо тайинлашда юқоридаги қонун талаби ва Олий суд Пленуми тушунтиришларига амал қилиб, унинг ёшга доир пенсияда эканини, қандли диабет 2-тур касаллиги билан “Д” ҳисобда туришини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, илгари ҳам жиноят содир этиб, янги қасддан жиноят содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олиб, ҳар иккала моддалар бўйича қонун санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, тайинланган жазоларни ЖКнинг 59-моддаси тартибида қисман қўшиш йўли билан узил-кесил сутканинг кеч соат 22:00дан эрталаб соат 6:00га қадар ўзи доимий яшайдиган уйдан чиқишини чеклаган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Қашқадарё вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар (тақиқлар)ни юклатишни, жазо муддатини жазо ижросини назорат қилувчи органга ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблашни, жазони ижро эттиришни Миришкор туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи зиммасига юклатишни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Суд, жабрланувчига жиноят оқибатида ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида фуқаролик суд ишлари юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топди.

Шунингдек, суд иш бўйича ёзма далил деб эътироф этилган Қ.Авозовнинг Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция судлов хайъати раиси номига ёзилган апелляция шикоятининг аслини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:



Авозов Қаҳрамон Бозорович (AvozoV Qahramon Bozorovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 139-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари ва 140-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 139-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 140-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Унга тайинланган жазоларни Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил сутканинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 6:00 га қадар ўзи доимий яшайдиган Миришкор тумани, “Чаманзор” маҳалла фуқаролар йиғини, Курама қишлоғи, Маърифат кўчаси, 59-уйдан чиқишини чеклаган ҳолда 1 (бир) йил 2 (икки) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Қ.Авозовнинг зиммасига қуйидаги қўшимча чеклашлар (тақиқлар) юклатилсин:

назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Қашқадарё вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Жазо муддати мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро эттириш Миришкор тумани ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Қ.Авозовга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчига жиноят оқибатида ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида фуқаролик суд ишлари юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Иш бўйича ёзма далил деб эътироф этилган Қ.Авозовнинг Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция судлов ҳайъати раиси номига ёзилган апелляция шикоятининг асли жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томон, ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят келтиришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

А.Бойбилов

